

**ХУДУДЛАРДА ЁШЛАРНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ТАШАББУСЛАРИНИ
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ**

Юлдашев Х.Х.

ОБМ тингловчиси


Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикасида янги тизим ҳисобланган ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаши бўйича бошланган ислоҳот тўғрисида маълумотлар келтирилган. Худудларда ташкил қилинган ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарида қисқа муддатларда ёшларнинг саноат ва хизмат кўрсатиш йўналишида амалга оширилаётган лойиҳалари натижаси келтирилган.

Ёшларнинг инновацион гояларини ва амалий тадқиқотлари натижаларини рўёбга чиқарилишига қўллаб-қувватлаш бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: ёши тадбиркор, ёши тадбиркорлик субъекти, стартап лойиҳалар, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари, саноат, молиялаштириш.

Ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббуслари, стартап-ложиҳалари ва амалий тадқиқотлари натижаларини рўёбга чиқарилишига кўмаклашиш, ёш тадбиркорлик субъектларининг саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларидағи лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётини ривожлантиришга асосий йўналишларнинг бирига айланиб улгурди.

Ҳусусан, Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 804,8 гектар ер майдонларида 216 та ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ташкил этилди. Шундан 284,5 гектар ер майдонига электрон онлайн-аукцион савдолари натижасига кўра ёшларнинг саноат ва хизмат кўрсатиш йўналишидаги инвестиция лойиҳалари жойлаштирилган.



Манба: Инвестициялар ва ташки савдо расмий маълумотлари

Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарини ташкил қилишдан қўйидаги пировард натижаларга эришиш кутилмоқда:

ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлиши ва юритишлари учун Ёшлар саноат зоналари худудида ишлаб чиқариш майдонлари тақдим этиш орқали уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш;

ёшларга уларнинг саноат ва хизмат кўрсатиш йўналишидаги лойиҳалари, ташаббуслари ва гоялари амалга оширилишида кўмаклашиш ва қулай шарт шароитлар яратиш;

“стартаплар” ташкил этиш мақсадида бизнес-инкубатор вазифаларини амалга ошириш, ёш тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини барқарор ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш;

ёшларга ўз инновацион ишланмаларини ишлаб чиқариш жараёнига жорий этиш ва натижаларини тижоратлаштириш, йирик саноат корхоналари билан кооперация алоқаларини ўрнатиш борасида амалий ёрдам кўрсатиш;

банд бўлмаган, шу жумладан «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни иш билан таъминлаш ва уларнинг ижтимоий-иктисодий фаоллигини ошириш ҳисобланади.

Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарини йўл-транспорт, муҳандислик коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш ишлари Ўзбекистон Республикасининг Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Ҳусусан, 2021 йилда 110,8 млрд сўм маблағлар ажратилган бўлса, 2022 йилда 203,5 млрд сўм ажратилди.

Ёш тадбиркорлар томонидан ташқи бозорларда талаб юқори бўлган ва импортнинг ўрнини босувчи, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ҳамда хизматлар кўрсатиш соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида “Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси” ташкил этилди.

Жамғармага Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан қайтармаслик шарти билан ажратиладиган 100 миллион АҚШ доллари ажратилди.

Жамғарма, асосан, мева-сабзавот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чукур қайта ишлаш, сақлаш ва қадоқлаш, тўқимачилик, пойабзал ва чарм галантерея, кимё, фармацевтика, озиқ-овқат, электротехника саноати, машинасозлик, замонавий қурилиш материаллари, хунармандчилик ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари соҳаларидалигидаги лойиҳаларни молиялаштириш ва бошқа йўналишларда янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш лойиҳаларини молиялаштироқда.

Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан ёшларнинг лойиҳалари молиялаштирилиши

T/p	Худуд номи	Молиялаштирилган лойиҳалар		Кўриб чиқилмоқда	
		сони	берилган маблағ (млн.долл.)	сони	берилган маблағ (млн.долл.)
1	Қорақалпогистон	16	1 227,6	2	85,1
2	Андижон вилояти	39	2 084,3	6	466,2

3	Бухоро вилояти	63	3 612,7	4	417,4
4	Жиззах вилояти	25	982,7	2	590,0
5	Қашқадарё вилояти	24	1 691,8	4	362,0
6	Навоий вилояти	18	1 386,4	5	384,5
7	Наманган вилояти	36	2 209,4	1	75,1
8	Самарқанд вилояти	13	1 048,0		98,9
9	Сирдарё вилояти	43	2 926,5	5	337,6
10	Сурхондарё вилояти	52	3 791,7	1	56,3
11	Тошкент вилояти	6	422,0	2	200,0
12	Фаргона вилояти	17	1 256,1	2	193,9
13	Хоразм вилояти	9	679,3	1	469,5
14	Тошкент шаҳри	30	6 965,5	3	300,0
ЖАМИ		391	30 279,0	38	4 031,4

Манба: Инвестициялар ва ташқи савдо расмий маълумотлари

Жамғарма маблағлари ҳисобидан ёшларнинг лойиҳалари молиялаштирилганда қуилаги имтиёзларга эга:

молиявий ресурслар тижорат банклари томонидан бир ёш тадбиркорлик субъекти учун бир йўла 100 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаган миқдорда 7 йилгача муддат билан тақдим этилади;

молиявий ресурслар тижорат банклари томонидан бир ёш тадбиркорлик субъекти учун бир йўла 100 минг АҚШ доллари эквивалентидан юқори ва 500 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаган миқдорда 7 йилгача муддат билан тақдим этилади;

қиймати 500 минг АҚШ доллари эквивалентигача бўлган инвестиция лойиҳалари Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади, ундан ошган қисми эса ушбу қарорда назарда тутилган имтиёзларсиз, тижорат банклари орқали умумий тартибда тақдим этилади;

тижорат банкларига инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун молиявий ресурслар Жамғарманинг мавжуд маблағлари доирасида, миллий валютадаги кредитлар бўйича йиллик 10 фоиз, хорижий валютадаги кредитлар бўйича йиллик 2 фоиз ставкалари билан тақдим этилади;

тижорат банклари миллий валютадаги кредитларни ўз маржаси миқдорини 4 фоиздан оширмасдан йиллик 14 фоиз, хорижий валютадаги кредитларни – ўз маржаси миқдорини 1 фоиздан оширмасдан йиллик фоиз ставкасини 3 фоиз миқдорида белгилаган ҳолда ажратади.

Жамғарма маблағлари ҳисобидан тижорат банкларига Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ҳудудида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш учун бинолар қуриш мақсадларига молиявий ресурслар Жамғарманинг молиявий кўрсаткичлари ва унинг ресурс базасидан келиб чиқсан ҳолда берилади:

Жамғарма маблағлари ҳисобидан тижорат банкларига ёш тадбиркорлик субъектлари учун бино қуришга бериладиган молиявий ресурслар миллий валютада йиллик **10 фоиз** ставкаси миқдорида белгиланган ҳолда тақдим қилинади;

тижорат банклари томонидан ёш тадбиркорлик субъектларига биноларни лизинг асосида бериш миллий валютада йиллик **14 фоиз** ставкасини қўллаган ҳолда амалга оширилади.

Бунда, ёш тадбиркорлик субъекти бошлангич тўлов сифатида лизингга бериладиган бино қийматининг 10 фоизини ташкил қилувчи қисмини тўлайди.

Ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлашни жадаллаштириш, инновацион ғояларини ва амалий тадқиқотлари натижаларини рўёбга чиқарилишига кўмаклашиш, ёш тадбиркорлик субъектларининг саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларидағи инновацион лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб қувватлаш мақсадида қуидагилар таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси бўйича “**Ёшларнинг 100 та энг илғор лойиҳалари**” танлов танловини ташкил этиш зарур. Танлов ғолиблари Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари хисобидан имтиёзли шартларда молиялаштириш зарур.

Бунда, 1-босқичда танловда иштирок этиш истагини билдирган ёш ташаббускорларнинг бизнес-режаларини ва бошқа тегишли хужжатларини йиғиш керак.

Танловнинг 1-босқичи доирасида камида 200 та инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш таклиф этилади.

Танловнинг 2-босқичи доирасида энг илғор 100 та инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш учун ташаббускорлар тақдимотларини ўтказиш ва сухбат қилиш орқали танлаш керак.

Танлов натижаси бўйича ёш тадбиркорларнинг 100 та илғор инвестиция лойиҳалари “**Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси**” хисобидан тўғридан - тўғри, гаровсиз, қуидаги имтиёзли шартларда 100 минг доллар эквивалентидан ошмаган миқдорда молиялаштириш учун танлаб олиш зарур.

Бунда:

биринчи 50 тасига (Тор-50) - йиллик 14 фоиз ставкасида 5 йил муддатга 1 йиллик имтиёзли давр билан;

кейинги 30 тасига (Тор-30) - йиллик 10 фоиз ставкасида 7 йил муддатга 2 йиллик имтиёзли давр билан;

кейинги 17 тасига (Тор-17) - фоизсиз 5 йил муддатга 1 йиллик имтиёзли давр билан кредит маблағлари ажратилади.

энг илғор 3 тасига (Тор-3) қайтармаслик шарти билан фоизсиз, тўғридан - тўғри грант маблағлари ажратиш таклиф этилади.

Бунда, танлов натижаси бўйича ғолиб деб топилган ёшларнинг 100 та энг илғор лойиҳаларини Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари хисобидан тўғридан-тўғри, тижорат банкларисиз молиялаштириш ишлари амалга оширилади.

Танловни ташкил этиш мақсадида Идоралараро танлов комиссиясини тасдиқлаш ва унинг асосий вазифалари этиб қуидагиларни белгилаш мақсадга мувофиқ:

танловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ жараёнларни ташкил этиш;

танлов иштирокчиларидан хужжатларни қабул қилиб олиш, зарур ҳолларда улардан қўшимча маълумотлар олиш;

тақдим этилган маълумотлар ва хужжатларни тегишли мезонлар асосида ўрганиш;

танлов якунларини сарҳисоб қилиш ва ғолибларни аниқлаш; танловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнларининг, танлов якунларининг оммавий ахборот воситаларида, расмий веб-сайтларда ёритилишини таъминлаш;

танлов бошлангунига қадар танлов талаблари ва қоидалари юзасидан кенг тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бориш;

танлов иштирокчиларини баҳолашда адолатлилик, шаффофлик мезонларига риоя қилинишини таъминлаш.

Ёшларнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун танлов мезонлари этиб қуидагиларни белгилаш таклифи ишлаб чиқилди:

лоийҳанинг тармоқ ривожланишига мувофиқлашганлиги;

лоийҳанинг соҳадаги янгиликларга мослашувчанлиги;

лоийҳа натижаси аҳамиятлилиги;

лоийҳа амалга оширилишига ишонч; лойиҳа мақсадларининг аниқлиги;

лоийҳани амалга ошира олиши имкони мавжудлиги.

Асосий баҳолаш мезонларига эса қуидагилар киради:

ёшларнинг биринчи 50 та (Гор-50) энг илғор инвестиция лойиҳаларини танлаб олишда лойиҳанинг тијорий жиҳатдан юқори рентабеллигига;

ёшларнинг кейинги 30 та (Гор-30) энг илғор инвестиция лойиҳаларини танлаб олишда лойиҳанинг ижтимоий аҳамиятига, яъни, кўп иш ўрни яратилишига;

ёшларнинг кейинги 17 та (Гор-17) энг илғор инвестиция лойиҳаларини танлаб олишда лойиҳанинг импорт ўрнини босувчи ва йирик компаниялар билан кооперация алоқаларини ўрнатишга йўналтирилганлигига;

ёшларнинг энг илғор кейинги 3 та (Гор-3) инвестиция лойиҳаларини танлаб олишда лойиҳанинг инновацион характерга эга, стартап лойиҳаларга эътибор қаратилади.

Мазкур танловни ташкил қилиш учун ягона интернет портали ташкил этиш ва танловга тақдим қилинадиган ёш ташаббускорларнинг ҳужжатларини қабул қилиш, жорий натижаларини эълон қилиб бориш рукнини ташкил қилиш орқали ишларнинг шаффофлиги ва натижадорлигини таъминлашга эришилади.

МАНБАЛАР:

- Инвестициялар ва ташқи савдо расмий маълумотлари
- Интернет маълумотлари